



# Farqona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/> [t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

## Сўнгги ҳафтада ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

### ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАРНИ ҚУВВАТЛАШ УСКУНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Хитойнинг "Ruisu" компанияси Фарғона вилоятида электромобилларни қувватлаш ускуналари ишлаб чиқариш бўйича инвестицион лойиҳани тақдим этди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров компания директори Майкл Чэн бошчилигидаги делегацияни қабул қилиб, амалга оширилиши режалаштириладиган мазкур лойиҳани атрафлича муҳокама қилдилар.

Мулоқот чоғида хоризмик инвестор замонавий автомобилларнинг энг асосий

ускунасини Фарғонада ишлаб чиқаришнинг истиқболи ҳақида гапириб ўтди. Ишлаб чиқариш корхонаси жойлашуви бўйича маълум келишувларга эришилди.

Вилоят ҳокими ушбу лойиҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирди.

### АРАБ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Қувватнинг "Energy solutions" компанияси бош директори Муҳаммед Саса ал-Салех ҳамда ушбу компания ҳамкори Саудия Арабистонининг "Johnsons controls Arabia (York)" компанияси вакиллари вилоятимизга ташриф буюрди.



Айтиш жоизки, "Johnsons controls Arabia (York)" дунёдаги машҳур компаниялардан бири бўлиб, асосан ақлли қурилиш технологиялари, биналар учун совутиш, иситиш ва вентиляция тизимларини ишлаб чиқаради. Унинг араб давлатидаги корхонасида "York" маркаси остида замонавий ва сифати юқори кондиционерлар тайёрланади.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров қабу-

лида Фарғонада тиббиёт ва энергетика соҳасида ўз инвестицион лойиҳаларини амалга оширишни режалаштирадиган компания вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик истиқболлари бўйича келишувга эришилди.

(Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди).

## ТАЙИНЛОВ

Алишер Анваржонович Салиев Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Алишер Салиев 1981 йилда Марғилон шаҳрида туғилган, Фарғона политехника институтини иқтисодчи мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолияти давомида Фарғона вилояти ҳокимлигида ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида турли масъул вазифаларда хизмат қилган. 2020-2023 йилларда Савдо-саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият олиб борган. 2023 йилдан тайинловга қадар Фарғона вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган.



## ШАҲИНА ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИ РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАДИ



Бугун Бешариқ туманининг чекка бир қишлоғида туғилиб вояга етган қизнинг довуғи дунёнинг энг олис нуқталаригача етиб борди. Эндигина 15 ёшга қадам қўйган Шаҳина Йигиталиева Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтган IV Параосиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, аёллар ўртасида найза улоқтириш бўйича F46 тоифасида кечган беллашувда олтин медални қўлга киритди. Аҳамиятлиси, унга чемпионликни тақдим қилган 40,90 метр натижа ушбу йўналишда Параосиё ўйинларининг янги рекорди сифатида қайд этилди.

Шаҳина жисмонан имконияти чекланган бўлса-да, болалигидан спортга ва мусиқага бўлган қизиқиши сира сўнмади. У ўз олдига қўйган мақсади сари астойдил ҳаракат қилди. Айниқса, спортнинг энгил атлетика тури билан мунтазам шуғулланишни қанда қилмади. Дастлаб туман, вилоят миқёсидаги турнирларда фаол иштирок этган бўлса, кейинчалик муваффақиятлари сони ортиб борди. Уч карра Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди, Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси сифатида икки марта халқаро гран при соҳиби бўлди. У илк бор олтин медалини қўлга киритганда, шарафига

Ўзбекистон давлат байроғи кўтарилганда 13 ёшда эди.

– Спортда қандай юқори натижаларга эришаётган бўлсам, унда устозим Азизбек Норматовнинг катта хизматлари бор. 2021 йилдан унинг мураббийлигида машғулотларни бошлаганман. Қисқа муддат ичида қўлга киритган ютуқларим менга янада куч бағишлади, янги марраларга умид учқунини уйғотди. Паралимпия ўйинларига жалб қилинганимда, ҳали ёшман, ишонччи оқлай оларми-канман, деган ҳадик бор эди. Шукурки, Президентимизнинг биз ёшларга бўлган ишончини оқладим, – дейди Шаҳина.

## Дилноза ХОДЖАЕВА: 21-ўрин сўнгги бекат эмас!

Қўқон давлат педагогика  
институтининг миллий  
рейтингда пешқадамлар  
сафидан жой олди



## Иқтисодий таҳлил

# МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

## Соҳани ривожлантириш давр эҳтиёжига айланди

**Х**измат кўрсатиш соҳасида маиший хизмат ўзига хос ўринга эга. Бу асосан хусусий мулкка асосланган, тадбиркорлик йўли билан ривожланган соҳадир. Унинг аҳамияти, энг аввало, янги иш ўринларини яратиш, турмуш фаронлигини ошириш, хизмат турларини кўпайтириш орқали аҳолининг замонавий маиший хизматларга бўлган талабини қондириш демакдир.



тадбиркор Фахриддин Маҳкамов томонидан 4,5 миллиард сўм эвазига уч қаватли бинода ўқув маркази ва гилам савдоси йўлга қўйилди. “Чек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида тадбиркор Якубов Носиржон асос солган “Муҳаббат дур дентал” хусусий клиникаси ишга тушиши орқали аҳолининг шаҳар марказига бориш-

қўшиш, сайёҳлар учун қулай шартлар яратишдир.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, шаҳарда ўтган саккиз ой мобайнида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хизматларда ўсиш суръатлари деярли кузатилмади.

Қувасой шаҳар иқтисодиёт ва молия бўлими бош мутахассиси Дил-



Қувасой шаҳрида маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари сонини ошириш, улар томонидан амалга оширилаётган хизмат турларини ривожлантириш орқали аҳоли талабини тўла қондиришга муҳим аҳамият қаратилиб келинмоқда.

Бугунги кунда шаҳарда 605 та савдо, 82 та ташиш ва сақлаш, 77 та яшаш ва овқатланиш, 20 та алоқа ва ахборот, 17 та соғлиқни сақлаш, 336 та ижтимоий ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш соҳаси бўйича кичик корхоналар ва фирмалар фаолият олиб бормоқда.

Улар томонидан жорий йилнинг саккиз ойи давомида 312 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилиб, 106,5 фоиз ўсишга эришилди. Шаҳар аҳолиси жон бошига ҳисоблаганда, жами хизматлар 3 миллион 200 минг сўмни ташкил этади.

**“ КЎРСАТКИЧЛАРНИ СОҲАЛАР КЕСИМИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛГАНМИЗДА, МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА 118,7 ФОИЗ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШДА 117,9, ЯШАШ ВА ОВҚАТЛАНИШДА 116,3, САВДО ХИЗМАТЛАРИДА 109,2, АВТОТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШДА 108,3 ФОИЗ ЎСИШГА ЭРИШИЛДИ.**

– Тан олиш керак, кейинги вақтларда хизмат кўрсатиш фаолияти иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқаришга қараганда самарали бўлиб бормоқда. Чунки хизмат кўрсатувчи шохобчаларда молиявий маблағларнинг айланиши тезроқ, дастлабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоялар талаб қилади, – дейди Қувасой шаҳар иқтисодиёт ва молия бўлими бош мутахассиси Дилмуроджон Алихонов. – Маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳоким ёрдамчиси лавозимининг жорий этилиши билан хизматлар соҳаси ривожига сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Уларнинг асосий фаолияти аҳолини тадбиркорликка жалб этиш бўлганлиги сабабли имтиёзли кредит асосида хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар сони ортади.

Маълумки, хизматлар соҳаси ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Аҳолининг аксарияти ўзларининг доимий яшаш жойларида хизматлардан фойдаланадилар. Аҳоли талабидан келиб чиқиб, жорий йилнинг шу даврига қадар юздан ортиқ микро-лойиҳалар ишга тушди. Хусусан,

гача бўлган вақти тежалди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи “Қувасой Мирзохид мададкор” масъулияти чекланган жамиятининг фаолият бошлаши беш нафар фуқаронинг доимий иш билан таъминланишига замин яратди.

– Турли хилдаги истеъмол товарлари савдосида узоқ йиллик тажрибага эгаман, – дейди “High quality household good store” хусусий корхонаси раҳбари Маҳарамжон Қўзиёев. – Шу боис, “Қизиласкар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида йирик савдо шохобчаси лойиҳасига иккиланмасдан қўл урдим. Унинг умумий қиймати 283 миллион сўм бўлиб, шундан 33 миллион сўми банк кредити.

Лойиҳани амалиётга татбиқ этишим натижасида 6 та янги иш ўрни яратилди. Мақсадим шаҳримизда хизмат сифатини яхшилашга ҳисса

муроджон Алихоновнинг таъкидлашича, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида асосан почта хизмати кўрсатиляпти. Аҳоли масофа билан боғлиқ хизматларни уйдан чиқмасдан, мобиль уяли алоқа воситаси орқали амалга ошириш имкониятидан кенг фойдаланяпти. Қолаверса, пул ўтказиш ва айирбошлаш ижтимоий тармоқ орқали бажарилаётгани ўз-ўзидан аҳолини бу хизматларга бўлган талабини камайтирди.

Таълим соҳасидаги хизматлар ҳам қониқарли эмас. Атиги 47,9 фоизни ташкил этапти.

Умуман олганда, шаҳарда аҳолининг хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган талаби йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эҳтиёжни қондириш учун эса янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Муаттар  
МАҲМУДОВА.

Мавзуга қайтиб...

Бундан салкам уч йил илгари оммавий ахборот воситаларида, жумладан, "Фарғона ҳақиқати" газетасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, вилоят ва Бешариқ туман ҳокимликлари томонидан "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида қир-адирлик жойда мева етиштиришга ихтисослашган "Адиروبод ғунчалари" аёллар кооперацияси ташкил этилгани ҳақида мақола-лар берилган эди.

2021 йилнинг февраль ойида кооперацияга Бешариқ туманининг "Ворух-дашт" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги тош-шағалли ерлардан 20 гектар ажратилиб, "Абдураззоқ ота", "Абдувай", "Янги Қашқар", "Ворух-дашт", "Рапқон", "Дехқонобод" сингари 10 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Аёллар дафтари"га киритилган 100 нафар хотин-қизларга 20 сотихдан тақсимланган эди. Ташкил этилажак янги боғларни суғориш учун 1 та сув қудуғи ҳам қавланган. Фарғона вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари Кенгаши томонидан 16 минг туп бодом кўчатлари олиб берилган.

Эзу ниятда бошланган ишлар натижаси нима бўлди? Бодомзор боғлар яратилдими? Узини ўзи банд қилган аёллар даромад топяптими? Ана шу саволларга жавоб излаб "Адиروبод ғунчалари" кооперациясида бўлди.

Йўл-йўлакай адир бағрини ёриб ўтган асфальт йўлнинг икки томонида ястаниб ётган гектар-гектар боғ-роғларга боқиб, тош-шағалли ерларда бундай жаннатмонанд боғлар яратган ҳазрати Инсоннинг матонатига тасаннолар айтгинг келади. Асрлар давомида қақраб ётган унумсиз ерларда шовуллаб ҳосил берадиган боғлар барпо этишнинг ўзи бўлмайди. Кўчат билан тиллаша оладиган, боғ илмидан хабардор ва қийинчиликларни мардондор енгадиган миришкор боғбонларгина бу ишнинг уддасидан чиқишади.

"Адиروبод ғунчалари" кооперациясига қарашли ерларда ҳам худди шундай манзарани кўришдан умидвор эдик. Афсуски... Кўкарган кўчатлар санокли, қуриганлари эса саноксиз эди.

– Дастлабки пайтларда иш

юришгандай бўлди. "Аёллар дафтари"дан чиққан хотин-қизлар – ер эгалари кўчатлар орасига ловия, мош ва бошқа экинлар экиб, яхши даромад олишди. Экинларни суғоришда муаммо бўлмади. Сабаби, туман ҳокимлиги шунча пайтдан бери сув чиқариш учун сарфланган электр энергияси тўловларини тўлаб келди. Бу йил бошида электр энергиясидан 45 миллион сўмлик қарздорлик юзага келди. Уни ҳам сўровимизга биноан, туман ҳокимлиги қоплаб берди, – дейди кооперация раҳбари Бобуржон Асқаров. – Айни ёз бошланишида туман электр тармоқлари корхонаси томонидан сув қудуғи электр энергияси тармоғидан узиб қўйилди. Муаммо шундан кейин бошланди.



Бу ўринда туман электр тармоқлари корхонасини айблаш ноўрин. Чунки, ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Маълум бўлишича, муаммонинг асл сабаби маблағда. Айни пайтда, боғ эгаларига нисбатан ҳам бир нима дейиш қийин. Улар ноилоҳидан бармоқ тишлаб қолишди. Са-

дашт ерда ҳафтада бир марта кўчатлар ости намланмаса, кўкармайди. Сув учун эса маблағ зарур. Пулини тўлаганларга обиҳаёт чиқариб берилди, улар кўчатларини амал-тақал қилиб бўлса-да, суғоришди. Электр энергияси ҳақини тўлашга қурби етмаган 85

бўлиб турибди.

Бир сўз билан айтганда, кооперациянинг тақдири хавф остида қолди. Энди нима бўлади? Уни ташкил этиш учун сарфланган шунча маблағ ҳавога учадими ёки ахволни ўнглаш чораси борми?

Бу саволларга ҳали боғ яратишдан умидини узмаган кооперация аъзолари жўяли жавоб тополмасдан ўйга толишган.

– Айримлар сув бор пайтларда ҳам ерига яхши қарамади. Боғни боқсанг – боғ бўлади-да, – дейди Гулчехра Ширинова, – 20 сотих ердаги кўчатларимни амаллаб бўлса-да, кўкартирдим. Бу йил илк нишона ҳосил кўрсатди. Қудуқдан чиқаётган сувнинг босими паст. Ёзда еримга сув боргунча салкам бир соат вақт кетади. Уни бир эгатга очсам, иккинчисига етмайди. Барча қаторларни суғориб чиқишга

Ташаббус шундай бошланган эди



АХВОЛНИ ЎНГЛАШ  
ЧОРАСИ БОРМИ?

кўп вақт сарфлайман. Лекин қийинчиликни сабр-тоқат билан енгаман. Қатор ораларига ҳар йили ловия экиб, уч қопдан ҳосил оляпман.

Гулчехра қўшнисининг кўчатлари қуриган ерини унинг розилиги билан қўшиб олди. Бу жойга эккан ўрик кўчатлари бинойидек барг ёзди. Бундан завқланиб, келгуси йил баҳорда яна икки нафар ерқўшнининг 40 сотих ерини қўшиб олиб, кўчат экмоччи.

Гулчехрага ўхшаш дадил ва тадбирли ер эгалари, афсуски, бармоқ билан санарли. Кооперация раҳбарининг айтишича, келгуси йил эрта баҳорда яна кўчат экиб, кўкартиришга уриниб кўрмоқчи бўлган аъзолар ҳам бор. Бироқ, маблағ масаласини узил-кесил ҳал этмасдан туриб, улардан умид қилиш қийин.

– Бўш қолган ерларни эрта баҳорда боғ яратиш нияти бўлган, қўлида маблағи етарли фуқароларга таклиф этиш ниятимиз ҳам йўқ эмас, – дейди Бобуржон Асқаров. – Бу сўнги чора. Лекин ер эгаларига ёрдам бериш учун ахволни ўнглаш чоралари кўрилса, уларга имконият яратилса, айни мудоао бўларди. Бунинг учун томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиш йўлга қўйилса, ҳам сувдан, ҳам маблағдан тежалган бўларди. Қуриган кўчатлар ўрнини кооперация аъзоларининг ўзлари қоплашади.

Излаган имконият топади. Нима бўлганда ҳам, кооперацияни ташкил этган мутасаддилар "Аёллар дафтари"дан чиққан 100 нафар хотин-қизларни қийин пайтда ўз ҳолига ташлаб қўймай, боғи ҳосилга киргунча моддий қўллаб-қувватлаб туриш чорасини кўрсалар, сарфланган шунча маблағнинг ҳавога учишига, аёлларнинг қайта "дафтар"га тушиб қолишига йўл қўймаган бўлардилар.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.



11 ноябрь – Ўзбекистон касабамалари куни

# ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БИР БЎЛАГИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 23 ноябрь куни имзоланган "Ўзбекистон касабамалари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга асосан 11 ноябрь – Ўзбекистон касабамалари куни этиб белгиланди.

Мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт, демократик жамият куриши йўлида олиб борилаётган изчил ислохотлар ва уларнинг амалий натижаларини таъминлашда касабамаларининг муносиб ҳиссаси борлигини барчамиз яхши биламиз. Салкам 120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон касабамалари фаолияти давомида кўплаб ютуқларга эришди, пасайиш даврлари ҳам юз берди, лекин бу ташкилот ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмади.

Айниқса, сўнги йилларда касабамалари жамиятимизнинг муҳим бир бўлагига айланди. Чунки юртдошларимиз қалбида шукроналик туйғуси кундан-кунга ошмоқда. Касабамалари олиб бораётган амалий иш ва ҳаракатлар замирида ҳар бир меҳнаткаш учун муносиб меҳнат шароитини яратиш, оиласи ва фарзандини ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш шароитларини яхшилаш, маънавий жиҳатдан соғлом ҳаёт кечиртишларини таъминлашдек эзгу ва хайрли ишлар мужассам.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги давр меҳнаткашлар манфаатини энг олий қадрият деб билган, ўз сафида 6 миллионга яқин аъзони бирлаштирган Ўзбекистон касабамалари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Хусусан, Янги Ўзбекистонни, унинг буюк келажакини бунёд этиш, ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, миллий қадриятларимиз анъаналарини давом эттириш ва дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш каби масъулиятни адо этиш тақозо этилмоқда.

Тан олиш керак, кейинги даврда тизимга давлат сиёсати даражасида

аҳамият қаратилиши натижасида касабамалари нуфузи янада ошди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, жорий йил бошидан буён вилоятимиздаги 700 дан ортиқ касабамалари уюшмаси очилмаган корхона-ташкilotлар ҳамда янги тадбиркорлик субъектларида касабамалари хизмати ташкил этилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ўз олдимишга қўйган улкан ва эзгу вазифаларни амалга ошириш, «Эл

ликдан манфаат кўриши керак. Биргина шу йилда Фарғона вилоятининг 7 минг 100 нафар ишчи-ҳодимлар касабамалари тасарруфидаги санаторийларда соғломлаштирилди. Улардан 265 нафари ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан бепул дам олдирилди.

Президентимизнинг тегишли қарорлари билан "Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш департаменти" ташкил этилди. Республи-

тимиз раҳбарининг ташаббусини амалга ошириш учун 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар билан юзма-юз учрашиш, банд бўлмаган 26 минг 703 нафар ишлаш истаги бор хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича намунали дастурларнинг ишлаб чиқилишида касабамалари ҳам фаол иштирок этди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Ўзбекистон касабамалари Федерациясининг Фарғона вилояти Кенгаши кўшни мамлакатлар билан ҳам яхши алоқани йўлга қўйган.

Ўзбекистон ва Қирғизистон касабамалари Федерациялари ўртасида 2023 йилга мўлжалланган Меморандум имзоланган бўлиб, унинг ижроси доирасида жорий йилнинг май ойида кўшни мамлакатнинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари вакиллари Фарғона вилоятига ташриф буюришди. Улар билан меҳнатга оид халқаро нормаларни қўллашда мавжуд тажрибалар алмашилди.

Делегация аъзолари "Автоойна" МЧЖ, "Чимён" сихатгоҳида бўлдилар. У ерда ишчи-ҳодимларга яратилган шароитлар, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича қилинган ишлар билан танишдилар. Бундан ташқари, халқаро ҳамкорликнинг мантиқий давоми сифатида Тожикистон Республикасининг Конибодом шаҳридан 50 нафар ёшлар ва 10 нафар фахрийлар саломатликларини тиклаш учун вилоятимизнинг Бешариқ туманига таклиф этилди. Шундай мақсад билан Қирғизистон Республикасининг Қадамжой шаҳридан 50 нафар болажонлар ва 20 нафар нурунийлар вилоятимизда бўлишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев касабамалари фаолиятига юксак баҳо бериб айтганидек, "Ўзининг эзгу ғоялари, амалий ишлари билан жамиятимиз ҳаётига ғоят яқин бўлган ушбу халқчил тузилманинг эътибор ва ғамхўрлигини бутун юртимизда ҳар бир жамоа, ҳар бир меҳнаткаш ҳис қилиб яшамоқда".

Фурсатдан фойдаланиб, барча меҳнаткашларни Ўзбекистон касабамалари куни билан самимий табриклайман. Хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, кут-барака, оила аъзоларингизга сихат-саломатлик тилайман.



**Эркинжон НУРАЛИЕВ,**  
Ўзбекистон касабамалари Федерациясининг Фарғона вилояти Кенгаши раиси



азиз, инсон азиз» деган олижаноб ғояни юртимиздаги ҳар бир корхона ва ташкилотда қарор топтириш, меҳнатни фаровонлик ва бахт манбаига айлантириш кўп жиҳатдан касабамалари ва уларнинг самарали фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Ҳақиқатан, ҳар бир меҳнаткаш инсонга наф келтиришни олий қадрият деб билган касабамалари аъзо-

камиздаги 100 та, жумладан, вилоятимиздаги 8 та болалар оромгоҳи департамент тасарруфига ўтказилди. Юртдошларимизнинг 11 мингдан зиёд фарзандлари оромгоҳларда ёзги таътилни мароқли ўтказдилар.

Йил бошидан буён 165 нафар ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга оид бузилган ҳуқуқлари касабамалари орқали тикланди, 3 миллиард сўмга яқин иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлар ундириб берилди.

Корхона, ташкилотларда хизмат қилаётган 27 мингдан зиёд меҳнаткашларнинг республикамыз ва вилоятимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлари ташкил этилди.

Фуқаролик жамиятининг фаол институти сифатида касабамалари "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилишда ва уларни қўллаб-қувватлашда ҳам жамоатчилик назоратини олиб бормоқда.

Фарғонани ишсизликдан холи худудга айлантириш бўйича давла-



**Дилноза ХОДЖАЕВА:**

# 21-ЎРИН СЎНГГИ БЕКАТ ЭМАС!

**ЁКИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ МИЛЛИЙ РЕЙТИНГДА  
ПЕШҚАДАМЛАР САФИДАН  
ЖОЙ ОЛДИ**

Биз узоқ йиллар кутилган натижага эришилганида, жамият, аҳоли ҳаётида жиддий ўзгаришга сабабчи бўлган ҳодиса содир бўлганида, ушалмасдек туюлган орзулар амалга ошганида “тарихий воқеа” деган ибора ишлатамиз. Ўзбекистонда олий таълим тизимидаги ўзгаришлар ҳам ана шундай воқеалар сирасига кирди. Бугун мамлакатимизда олий таълим муассасалари сони қарийб икки баробарга кўпайди. Уларда таълим сифати ошди. Институт ва университетларимиз халқаро миқёсда эътироф этила бошланди. Шундай ўқув муассасаларидан бири – Қўқон давлат педагогика институтидир. Замонавий кадрларни тайёрловчи республикадаги йирик педагогик муассасалардан бири сифатида унда 24 та бакалаврият, 8 та сиртки ва 16 та магистратура мутахассисликлари бўйича 16 000 нафар талабалар таҳсил олиб келмоқда.

Институтда бугунги кун моддий-техника базасига эга 300 га яқин ўқув хоналари, 21 та ўқув лаборатория хоналари, стадион, 3 та ёпиқ спорт зали, 70 минг китоб фондига эга замонавий кутубхона, 3 та барча қулайликларга эга бўлган турар жойлар талабалар ихтиёрида.

Таълим даргоҳида 4 та хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурлари асосида ўқитиш йўлга қўйилди. Россиядаги Бошқирд давлат педагогика университети, Россия давлат касб-хунар педагогика университети, Қозон федерал университети ва Беларуснинг Гродно давлат университетлари билан 200 нафарга яқин талаба қўшма таълим дастурлари асосида ўқитилмоқда. Дастурни муваффақиятли яқунлаган талабаларга икки олий ўқув юрти дипломи берилди.

Аммо бу бугуннинг гаплари. 2018 йилда давлат раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистонда олий таълим муассасалари фаолиятини баҳоловчи миллий рейтинг ташкил этилди.

– 57 та олий таълим муассасалари ичида институтимиз 57-ўринда эди, – дейди Қўқон давлат педагогика институти ректори Дилноза Ходжаева. – Шунда фаолиятимизга танқидий баҳо бердик. Ҳар бир профессор-ўқитувчилар олдига вазифа, мақсад белгиладик.

Институт раҳбарияти фаолиятнинг мутлақо янги тизимига асос солди. Унда профессор-ўқитувчилар савияси, талабанинг билим даражаси, ўқув жараёнида инновацион усулларни қўллаш, халқаро тажрибаларга таяниш каби ўндан зиёд мақсадлар ишлаб чиқилди. Орадан машаққатли тўрт йил ўтгач, мамлакатдаги юзга яқин олий таълим

даргоҳлари рейтингда Қўқон давлат педагогика институти “сақраш” қилди. У кўплаб нуфузли олий даргоҳларни ортда қолдириб, 21-поғонага кўтарилди. Турдош, педагогика институтилари ўртасида эса бу энг юқори кўрсаткич эди. Бунга қандай омиллар сабабчи бўлди?

**Наргиза БОБОЕВА,  
ҚДПИ проректори:**



– Профессор-ўқитувчиларимиз 578 нафар бўлса, 2019 йилда чоп этилган, яратилган дарсликлар миқдори бор йўғи 24 тани ташкил қилар эди. 2022 йилда эса 122 га тенг бўлди. Яъни шу соҳадаги ўсиш 400 фоизни ташкил этди. Ўқув жараёнига 2022 йилда 28 нафар хорижий профессор-ўқитувчилар жалб этилди. Академик алмашув йўли билан юзга яқин талаба Россия, Қирғизистон, Беларуссияга юборилди. Хорижий тиллар ўрганаётган ўнлаб талабалар эса Европа давлатларида тажриба алмашишга муваффақ бўлди.

**Нурбек ЖЎРАЕВ,  
ҚДПИ проректори:**

– Ўтган йили илмий салоҳият 32 фоиз бўлса, бу йил 38 фоизга етди. Бундан ташқари 10 нафар талабамиз Давлат стипендияларига, яъни Президент стипендияси ва Навоий номидаги стипендия соҳиб бўлишди. Институтда илмий изланма, амалий



тадқиқотлар самарали натижа берапти. Учта лойиҳага 1 млрд. сўм маблағ жалб этилди. “Қўқон адабий муҳити” ва “Мақтабгача таълим ёшидаги болалар учун” номли электрон платформа яратилди.



Учинчи лойиҳада айнан имконияти чекланган ёшлар учун шахмат яратилди. Бу лойиҳа республика бўйича жорий этилган. Унга вазирлигимиз 492 миллион сўм грант маблағи ажратди.

– Институт фаолият юритганига 90 йилдан ошган бўлсада, ҳалигача биронта илмий кенгаш бўлмаган. Шу йилнинг ўзида илмий даража берувчи иккита кенгашга эга бўлдик. Ҳозир 10 та йўналишда докторантура бўлиб, уларда 80 дан ортиқ ёш тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб боришяпти, – дея таъ-



кидлади Дилноза Ходжаева. – Ёшларга билим олиш учун жуда катта имкониятлар яратиб берилган. Талабалар Республика ва халқаро олимпиадаларда фаол иштирок этишяпти. Келгусида Хитой тили филологияси факультетини очмоқчимиз.

Қўқон давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари, раҳбарият нуфузли халқаро конференция ва анжуманларга таклиф этила бошланди. Хитойнинг энг йирик педагогика университети айнан ҳамкорлик учун Ўзбекистондан шу олий таълим муассасасини танлади. Чехия Республикаси университетларида европалик ҳамкасблар билан қўқонлик профессор-ўқитувчиларнинг тажриба алмашувлари йўлга қўйилди.



Дилнавоз Қўқон атрофидаги Ширинсув қишлоғидаги оддий оила фарзанди. Институт даргоҳида таълим олаётган бу қиз бугун математика фани бўйича халқаро олимпиаданинг бронза медали совриндори.

**Дилнавоз СОЛИЕВА,  
IV босқич талабаси:**



–Халқаро олимпиада шартларидан бири математика вазифалари инглиз тилида бўлиб, шу тилда савол-жавоб қилинар эди. Натижаларга кўра 3-ўринни эгалладим. Институтимизда билим олиш учун барча шарт-шароитлар етарли. Илмий дарсликлар, компьютер хоналари, электрон дарсликлар мавжуд. Машғу-

лотлар чоғида чет эл адабиётларидан фойдаланамиз. Шундай ютуққа эришимизда устозларимнинг, институтимиздаги талабалар чўқур билим олишига яратилган имкониятларнинг ўрни катта.

Дарвоқе, институтда унинг йўналишига мос равишда олий таълим муассасаси, мактаб ва мактабгача таълим

ташкilotи – болалар боғчаси учлиги ташкил этилди. Илмий тадқиқотлар ҳам, талабалар амалиёти ҳам шундай тажрибага асосланади.

– 21-ўринда биз тўхтаб қолмаймиз. Чунки натижани кўрдик, тажрибамиз ортапти. Мақсадимиз келгуси йили биринчи ўнликдан жой олишдир, – дейди ректор Дилноза Ходжаева.

Қўқон давлат педагогика институтида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар талайгина. Муҳими – жамоада қатъий интилиш, ўзига ишонч бор. Улар миллий рейтингда пешқадамлар сафидан жой олса, энди бунга “тарихий воқеа” деб эмас, балки изчил меҳнат натижаси деб қаралади.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ.  
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.**

# ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИ РЎЁБГА ЧИҚАДИ

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида 2023 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Стратегияда қуйидаги асосий ғоялар акс эттирилган:

барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш;  
аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш;  
аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш;  
халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш;  
мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш.

**Стратегияда 5 та йўналиш бўйича 100 та мақсад назарда тутилган. Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматида-**



**ги давлат бошқарувини ташкил этиш ҳамда мамлакатни хавфсиз ва тинчликсевар давлатга айлантириш ишларини давом эттириш асосий йўналишлар сифатида белгиланган.**

Стратегия 4-йўналишининг 2-банди қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларга бағишланган бўлиб, унда соҳага доир бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Жумладан, 84-мақсад "Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айлантириш" деб номланган. Унда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш амалиётини 30 фоиздан 20 фоизга тушириш, судлар ҳамда тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга ошириш имкониятларини камида 2 баробарга ошириш назарда тутилган. Бундан ташқари, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очикликни таъминлаш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш каби устувор вазифалар ҳам белгиланганки, бу мақсадларнинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳолида одил

судловга бўлган ишончнинг янада ошишига хизмат қилади.

Судларга бевосита мурожаат қилишга тўсқинлик қилаётган омилларни тўлиқ бартараф этиш, судга қадар босқичда низоларни ҳал қилиш самардорлигини ошириш, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқиш натижалари устидан судларга юборилаётган шикоятларнинг электрон шаклда келиб тушишига эришиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан кўрилатган жиноят ишларида ҳимоячи ёки жамоат ҳимоячиси иштирокини таъминлашга эришиш юртимизда инсон қадрли тобора улуғланиб, инсон манфаатлари ҳар нарсдан устун эканлигининг бир исботидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш масаласи бугунги кунда нотинчликдан тебраниб турган дунё мисолида ҳаммамиз учун муҳимдир. Биз, албатта, барча муваффақиятларимизнинг гарови бўлган мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилишни, унинг хавфсизлигини, тинчлик-осойишталикни таъминлашни энг муҳим ва долзарб масала, деб биламиз. Бу мақсадларнинг стратегиядан ўрин олиши эртанги фаровон ҳаётимиз кафолатидир.

**Иброҳимжон ТУРСУНОВ,**  
Ўзбекистон туманлараро  
иқтисодий суди раиси.

## ОМОНЖОН ОТА МАЪРИФИЙ- ТАРБИЯВИЙ ДАРС ЎТДИ

Фарғона шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, меҳнат фахрийси Омонжон ота Ҳошимов иштирокида маърифий-тарбиявий дарс машғулоти ўтказилди.

Омонжон ота узоқ йиллар педагогик қилган, вилоят миқёсидаги жамоат ишлари, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этган. Унинг ижодий асарлари газета ва журналларда мунтазам чоп этилиб туради, бир неча асарлари китоб ҳолида нашр қилинган.

Дарс машғулотида Омонжон ота Ҳошимов мустақиллик йилларида ўзбек халқи эришган



ютуқларга, Президентимизнинг ўқувчи-ёшларга бўлган оталарча ғамхўрлиги, айниқса, кейинги йилларда келажак авлодлар таълим-тарбияси борасидаги ислохотларга тўхталиб ўтди. Ватан ва ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, шарқона одоб-ахлоқ ва яратилган имкониятлардан фойдаланиб, чуқур билим эгаллаш хусусида сўз юритди. Ижод намуналаридан ёд этди, "Бир болангман, Бешболам" шеърининг яратилиш тарихи ҳақида гапириб берди.

"Ватанга садоқат ва яна садоқат шиорингиз бўлсин, азиз болажонларим" дея ўқувчи-ёшларга мурожаат қилди Омонжон ота.

**Қаюмжон УМАРОВ,**  
мактаб директори.

## ● МИБ хабарлари

### МЧЖнинг гаров мулки хатланди

Мажбурий ижро бюроси Фарғона шаҳар бўлимига иш юритуви учун Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг ижро ҳужжати келиб тушди. Унда қарздор «ФКИ» МЧЖ томонидан "Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ Фарғона вилоят филиали фойдасига 1.124.054.743 сўм кредит қарздорлигини ундириш белгиланган.

Ижро ишини юритиш бўйича қарздор бир неча бор огоҳлантирилган бўлса-да, қайд этилган талабларни ихтиёрий бажармай келди. Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида гаров мулки бўлган Фарғона шаҳар, "Ёшлар" маҳалла фуқаролар йиғини, Истироҳат кўчасида жойлашган икки қаватли бино-иншоот қарздорликни қоплаш учун хатланди.

Ҳозирда мазкур мулк аукцион савдога чиқарилмоқда.

**Д.ИСМОИЛОВ,**  
Мажбурий ижро бюросининг  
Фарғона шаҳар бўлими  
бошлиғи.

### Қарздорлик эвазига — турар жой

Фарғоналик Эгамбердиевларнинг оиласига дарз кетганига анча бўлган. Панд-насихатлар қор қилмай иш судгача бориб етди. Судда мураса таклиф қилинди, бунинг учун муддат берилди, бироқ...

Никоҳ бекор қилингандан сўнг икки нафар вояга етмаган фарзандлар таъминоти учун отадан алимент ундирилиши белгиланди. Аммо у мажбу-

риятини етарли даражада бажармаганлиги натижасида катта миқдордаги қарздорлик вужудга келди. Охир-оқибат алимент мажбурий тарзда ундирилди бўлди.

Мажбурий ижро бюросининг Фарғона шаҳар бўлими ходимлари алиментчи билан ўтказган мулоқотларидан сўнг ота зиммасидаги мажбуриятни бажарди. Яъни, у фарзандларининг 18 ёшига қадар тўлаши лозим бўлган 166.956.762 сўм ҳисобидан уларга Фарғона шаҳридан турар жой олиб берди.

**О.НОРБОЕВ,**  
Мажбурий ижро бюросининг Фарғона шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари.

### Аёл уйсиз қолмади

Фуқаролар У.А. ва А.У. қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган. Улар куёвнинг Бағдод тумани, "Қорақўл" маҳалла фуқаролар йиғини, Бегвачча қишлоғидаги уйда биргаликда яшаб келишганди. Аммо ўртала-

ридаги ўзаро келишмовчилик туфайли У.А. келин бўлиб тушган хонадонидан мажбурий чиқариб юборилди. Ўзаро можаролардан сўнг аёл бузилган ҳуқуқини тиклаш, яъни, келин бўлиб тушган уйига киритиш бўйича судга мурожаат қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан унинг аризаси қаноатлантирилди. Суд ҳужжати бўйича турар жойнинг 439.0 м<sup>2</sup> қисми даъвогарга фойдаланиш учун белгиланган бўлиб, МИБ Бағдод тумани бўлими томонидан ижро иши қўзғатилди.

Мазкур иш бўйича жавобгарга ихтиёрий муддат берилиб, уни ижро этмаслигининг ҳуқуқий оқибати тушунтирилган бўлса-да, қонун талабига беписандлик билан қаради. Натижада тегишли таъсир чоралари қўлланилгани ҳолда, мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилди. Аёл уйсиз қолмади.

**Н.КАДИРКУЛОВА,**  
Мажбурий ижро бюросининг Фарғона вилояти бошқармаси ходими.

Мулоҳаза



Эътибор берганмисиз, деярли ҳар биримиз ўз фикр-мулоҳазамизни тушунтиришда, албатта, русча сўзлардан фойдаланамиз.

Балки, русча сўзлардан фойдаланиш ким учундир билимдонлик, ўзга тилни яхши ўзлаштирганлик белгиси сифатида намоён бўлиши мумкин. Рус тилини камситмаган ҳолда фикр юритадиган бўлсак, тилимиз бойлиги "буюк тил" бойлигидан асло кам эмас! Биз ўзаро суҳбат, муносабатларда қўллаётган русча сўзларнинг она тилимизда энг камида уч-тўртта қиёси мавжуд. Ҳанузгача, айрим русча сўзлар кундалик сўзлашув истеъмолидан чиқиб кетиш ўрнига, тобора илдизини мустаҳкамлаб бормоқда.

Баъзида шундай суҳбатнинг гувоҳи бўлишга тўғри келади. "Так что, энди қиладиган ишларимизни тўғри "расчёт" қилишимиз керак!" Кўряпсизми, ана шу иккита сўз билан гўё фикримизни аниқ ифода этгандек бўламиз. Тан олайлик, "так что" ёки "расчёт"ни ишлатмасак,

ўзимиз ҳам, бизни тинглаётган инсон ҳам ҳеч нарсани англамайди, деган тушунча хаёлимизда чарх уради. Бу билан танглаймиз кўтарилган, фикр-шууримиз шаклланган она тилимизга беписанд муносабатда бўлмаяпмизми?

Тил муаммоси ҳар бир халқда мавжуд. Дунёдаги беш мингдан ортиқ тилнинг ярмидан кўпи "касонд"га учраётганлиги ҳам бор гап. Бунинг иккита сабаби бор: биринчиси – таназзулга юз тутаетган тилни она тили, деб қабул қилган халқларда ўз тилига эътиборсизлик кучаймоқда. Иккинчиси – бир тилга ўзга тилларнинг таъсири – аралашуви авж олган. Она тилимизга ҳам ана

шундай таъсир кучайиб бораётганлигини негадир ҳис этмаймиз. Гўёки, фикримизни рус тилидан кириб келган сўзлар орқали тушунарлироқ ифодалагандек бўламиз.

Тил тараққиётида ўзга тиллардан кириб келган ва эндиликда амалиётга жорий этилаётган сўзларнинг ҳам ижобий таъсири бўлади. Бироқ, она тилимизда сўзлар эканмиз, рус тилидаги ҳар қандай сўзни суиистеъмом қилиб, ундан фойдаланмаслигимиз зарур. Бу фикрларга айримлар "Рус тилини қанчалик чуқур ўргансак, яхши эмасми?" дея эътироз билдириши мумкин. Улда-жўлда, алмо-йи-жалмойи сўзларни оғзаки нутқда қўллаш билан ҳеч ким она тилимиз

бойлигига ҳисса қўша олмайди! Ёшларимизнинг муомала, муносабат бобида ўзини тутиши жараёнида русча сўзлардан пала-партиш фойдаланиши энсамни қотиради. Уларнинг аксарияти русча сўзларни қўллашни ўзича "маданият", деб тушунади!

Камина юқоридаги фикрларим билан рус тилини ўрганишга, русча сўзларни қўллашга асло қарши эмас. Фақат, русча сўзларни қўллаш, ундан фойдаланишда она тилимиз – адабий тил талаб ва қоидаларини унутмаслигимиз зарур.

**Гулиҳумо МАЖИДОВА,**  
Шарқий ҳарбий округ матбуот хизмати ходими.

# ЎЗ ТИЛИМИЗ ЎРНИГА НЕГА ЎЗГА ТИЛНИ ТАНЛАЯПМИЗ?

## "ФАРҒОНА СУВ ТАЪМИНОТИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2023 йил 14 сентябрдаги 01-04/2444-сонли ва Фарғона вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва молия бош қармасининг 2023 йил 19 сентябрдаги 03/09-01-18/2525-сонли ҳулосаларига асосан, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2023 йил 25 октябрдаги VI-60-103-11-0-Қ/23-сонли қарорига мувофиқ, 2023 йил 13 ноябрдан бошлаб, ичимлик ва оқова сув хизматлари нархлари вилоят аҳолиси, бюджет ташкилотлари ва бошқа улгуржи истеъмолчилар учун қуйидагича ягона тарифлар белгиланди.

Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2023 йил 25 октябрдаги VI-60-103-11-0-Қ/23-сонли қарорига 1-илова

**Вилоят ҳудудларида сув таъминоти ва оқова сув ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)**

Хизмат тури	Нархлар (тарифлар)		
	Аҳоли учун (1 м <sup>3</sup> учун) (сўм ҳисобида)	Бюджет ташкилотлари учун 1 м <sup>3</sup> учун ҚҚСсиз (сўм ҳисобида)	Бошқа улгуржи истеъмолчилар учун 1 м <sup>3</sup> учун ҚҚСсиз (сўм ҳисобида)
<b>Ичимлик суви</b>	1900	2991	2991
Фарғона вилояти ҳокимининг 2019 йил 17 апрелдаги 144-сонли қарорига асосан 1 м <sup>3</sup> га 50 сўм устама ҳақ	1950	3041	3041
<b>Оқова сув</b>	450	777	777
Фарғона вилояти ҳокимининг 2019 йил 17 апрелдаги 144-сонли қарорига асосан 1 м <sup>3</sup> га 50 сўм устама ҳақ	500	827	827

Фарғона шаҳар, Саноат кўчаси, 271-уйда жойлашган "Farg'ona ansor ziyo" хусусий корхонасининг тўртбурчак тамғаси ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## "ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI" AJ "FARG'ONA ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI" FILIALI MA'LUM QILADI

**O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi idoralararo tarif komissiyasining 2023-yil 27-oktabrdagi 18-sonli bayonnomasiga asosan, "Issiqlik elektr stansiyalari" AJ tarkibidagi issiqlik elektr stansiyalari va markazlarining**

1 kVt.soat elektr energiyasi va 1 Gkal issiqlik energiyasi uchun ishlab chiqarish tariflari belgilandi. Shu munosabat bilan, "Issiqlik elektr stansiyalari" AJ "Farg'ona IEM" filialiga belgilangan yangi tariflar 2023-yil 14-noyabrdan, 1 kVt.soat elektr energiya uchun QQS hisobga olingan holda, 653,0 (olti yuz ellik uch) so'm etib belgilandi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi idoralararo tarif komissiyasining 2023-yil 27-oktabrdagi 18-sonli bayonnomasining 3-ilovasiga asosan, "Farg'ona IEM" filialiga 2023-yil 14-noyabrdan issiqlik energiyasini sotish narxi (tarif) 1 Gkal uchun QQS hisobga olingan holda, 375000 (uch yuz yetmish besh ming) so'm etib belgilandi.

Izoh: yuqorida keltirilgan narx (tarif)lar oxirgi iste'molchi (aholi va ijtimoiy soha obyektlari)ga taalluqli emas.

**"Issiqlik elektr stan siyalari" AJ "Farg'ona IEM" filiali ma'muriyati.**

**Муқаддас зиёратгоҳ:**

# МАСЖИДУЛ АҚСО НЕГА БИЗ УЧУН ҚАДРЛИ?

Шом диёридаги Фаластин ерининг Қуддус шаҳрида жойлашган муқаддас макон — Масжиди Ақсо ёхуд Байтул Мақдис дейиш мумкин. У “узоқдаги масжид” деган маънони англатади. Ақсо Маккадаги Масжидул Ҳарамдан кейин қурилган энг қадимги масжид бўлиб, Қуръони Каримда унинг номи зикр қилинган. Ёзма маълумотларга кўра, унинг тарҳи 102,80X69,20 метрни ташкил қилади.

Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам пайғамбар этиб юборилганларидан эътиборан намозларни аввало Масжидул Ақсо томонга юзланиб ўқидилар. Ун уч йиллик Макка даври тўлиқ шундай ўтди. Мадинага хижрат қилганларидан кейин ҳам мазкур масжид қиблаликда давом этди. Фақат ўн олти ой ўтибгина намозлар йўналиши Маккадаги Ҳарам томон ўзгарди. Эндиликда намозда Масжидул Ҳарам сари юзланадиган бўлдилар. Демак, Ақсо – биринчи қибламин.

Кўпчилик олимларнинг таъкидлашига кўра, уни Одам алайҳиссалом барпо этган. Замонлар ўтиб эса Иброҳим алайҳиссалом уни қайта тиклаган. Кейин Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли ва набираси – пайғамбарлар Исҳоқ ва Ёқуб алайҳиссаломлар унга масъул бўлдилар. Шундан сўнг пайғамбар Сулаймон алайҳиссалом томонидан масжид янгидан қад ростлаб, ҳозирги кўринишга келди.

Исро кечаси Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз

тиш учун сайр эттирган Зот (ўзига нолойиқ сифатлардан) покдир”. (Исро сураси, 1-оят).

Қиёмат арафасида келадиган Дажжол бу маконларга кира олмайди: Масжидул Ҳарам, Масжиди Набавий ва Масжиди Ақсо. Дажжолни пайғамбар Исо алайҳиссалом ўлдирди ва бу ҳодиса, ҳадисларда айтилганига кўра, Ақсо масжиди яқинида рўй беради.

Зиёрат учун алоҳида сафар қилиб бориш мумкин бўлган масжидлар учта бўлиб, биттаси Ақсодир. Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам айтдиларки: “Уловлар фақат учта масжид томонгагина жиҳозланади: Масжиди Ҳарам, менинг ушбу масжидим ва Масжиди Ақсо”.

Дейдиларки, Масжиди Ақсода ўқилган битта намоз оддий ердаги



Суратда Масжидул Ақсо (қора гумбазли) акс эттирилган. Унинг орқа тарафидаги сариқ гумбазли “Қуббатусу сахро” дейилади. Баъзида адашиб, шу сариқ гумбазли масжидни Ақсо деб нотўғри кўрсатадилар. Муқаддас жойларимизни яхши таниб олайлик!

лар. Масжиди Ақсода имомлик қилиб намоз ўқидилар. Бу воқеа пайғамбар бўлганларидан ўн йил ўтиб, Ражаб ойининг 27-кечасида содир бўлди.

Мазкур масжид ҳақида Умар ибн Хаттоб розияллоху анху айтганлар: “Байтул Мақдис бирам яхши жойда! Унда турган киши Аллоҳ йўлидаги мужоҳиддек гўё. Ҳали шундай замон келадики, “Байтул Мақдисдаги биттагина гишт бўлсам қанийди” деб

динининг шиор маконларидан бири, икки қибланинг биринчиси, учта асосий масжидлар сирасидан, мусулмонларга тегишли муборак маскан.

Фаластиннинг мусулмонлар учун қандай қадри борки, йилдан-йилга учун жонини фидо қилувчилар сони кўпайса кўпаядики, лекин қамаймайди? Нима учун қалблар Ақсо томон талпинади?

**Чунки, у Фаластинда бизнинг илк қибламин бўлган! Айнан ўша ерда инсоният саййиди Муҳаммад соллalloху алайҳи васаллам билан меърож ҳодисаси содир бўлган. Қолаверса, Аллоҳ ушбу ерни муқаддас қилиб, кўплаб пайғамбарлар учун бошпана қилган. Жумладан, Иброҳим алайҳиссалом Фаластинга кўчиб ўтган; Лут алайҳиссалом қавми ҳалок қилингандан сўнг у зот Фаластинга йўл олганлар;**

**Довуд алайҳиссалом Фаластинда гумбаз қурганлар; Сулаймон алайҳиссалом Фаластинда бўла туриб, бутун дунёга подшоҳлик қилган;**

**Қуръондаги Намл сураси, 18-оятдаги ҳодиса ҳам Фаластин яқинидаги Асқалон шаҳрининг ан-намл водийсида содир бўлган;**

**Фаластинда Закариё алайҳиссаломнинг ҳам гумбазлари бор;**

**Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга бани исроил Фаластинга йўл олишини буюришини ваҳий қилган.**

Шайх АЛИЖОН қори.



Муҳаммад соллalloху алайҳи васалламни Маккадан Қуддусга – Ақсо масжидига сайр эттирди. Бу ҳақида Қуръонда айтдики: “Уз бандасини тунда Масжиди Ҳарамдан атрофини баракотли қилиб қўйганимиз Масжиди Ақсога оятларимизни унга кўрса-

намозларнинг 250 тасига тенглаштирилган.

Манбаларда келтирилишича, Исро кечаси Пайғамбаримиз алайҳиссалом Маккадаги Масжиди Ҳарамдан чиқиб, фаришта Жаброил алайҳиссалом билан Қуддус шаҳрига борди-

қолишади”.

Қолаверса, Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг пайғамбарлиги олдинги пайғамбарларнинг ҳам муқаддас масканларини туташтириб, бир-бирига боғлади.

Демак, Масжидул Ақсо Исро

МУАССИС:  
«Farg'ona haqiqati» va  
«Ferganskaya pravda»  
gazetalari tahririyati

Бош мухаррир:  
Рустам ОРИПОВ.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета “Полиграф-пресс” МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 1941 нусхада чоп этилди. Буюртма № 690. Босмахона манзили: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:  
150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.  
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Илҳомжон Жуманов.  
Босишга топшириш вақти: 18.00.  
Топширилди: 16.00.

